



1219 йил. Марказий Осиё тарихидаги энг мудхиш саҳифалардан бири очилди. Бу саҳифа Ўтрор шаҳри муҳосараси билан бошланди. Кейинчалик бутун Хоразм салтанатига ёйилган киргинлар, вайронгарчилик ва миллионлаб инсонларнинг тақдири айнан шу ердан ўзгарди.

Ўтрор (Фароб) Сайхун (Сирдарё) соҳилида жойлашган, Ипак йўлининг энг муҳим савдо ва маданий марказларидан бири эди. Калин деворлари, мустаҳкам қалъаси ва бой бозорлари билан машҳур бўлган бу шаҳар Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг муҳим чегара кўргони ҳисобланарди.

Фожиага сабаб бўлган воқеа 1218 йилда юз берди. Чингизхон юборган катта савдо қарвони Ўтрорга келгач, шаҳар ҳокими Иналчук (Гойирхон) уларни жосусликда айблаб қамокка олди ва ақсариятини қатл эттирди. Бу хабар Чингизхонга етгач, у айбдорларни

топширишни талаб килди. Аммо Хоразмшоҳ Мухаммад бу талабни рад этди, хатто элчилардан айримларини ўлдиришга ҳам йўл қўйди. Шу воқеа Чингизхоннинг Хоразмга қарши қенг қўламли юриши учун баҳона бўлди.

1219 йил кузида юз минглаб мўғул қўшинлари Хоразм чегараларига кириб келди. Чингизхон қўшинларининг бир қисми тўғридан-тўғри Ўтрорни муҳосара қилди. Шаҳар аҳолиси қаттиқ қаршилик қўрсатди. Муҳосара ойнаб давом этди. Девоқлар тагида қонли жанглар бўлди, қамал қуроқлари ишлатилди, ҳар икки томон қатта талафот қўрди.

Тарихий манбаларга қўра, муҳосара беш ойга яқин давом этган. Ниҳоят, шаҳар муқофасида қатнашган қўмондонлардан бири ҳоинлик қилиб дарвозалардан бирини очиб берган. Мўғуллар шаҳарга ёпирилиб қиришди. Аммо Иналчук ички қалъага чекиниб, охиригача жанг қилди. Унинг қаршилиги ҳам шаҳар тақдирини ўзгартира олмади.

Ўтрор босиб олинган, шаҳар вайрон қилинди. Қўлаб аҳоли қиргин этилди ёки асир олинди. Ҳунармандлар ва уста қосибларнинг бир қисми мўғул юрқларига олиб қетилди. Шаҳарнинг қатта қисми қулга айланди. Ўша давр муаррихлари бу қиргинни Хоразм салтанати учун ҳалоқатнинг бошланиши сифатида тасвирлайдилар.

Ўтрорнинг қулаши билан Чингизхон қўшинлари учун Бухоро, Самарқанд, Урганч ва бошқа шаҳарларга йўл очилди. Кейинги йилларда Марқазий Осиёнинг қўлаб шаҳарлари муҳосара қилиниб, оғир талафотларга учради. Асрлар давомида раванқ топган илм-фан марказлари, қутубхоналар, бозорлар ва маҳаллалар қатта вайронгарчилиқни бошдан қечирди.

Ўтрор муҳосараси ҳарбий тарихда қатъан битта шаҳарнинг қулаши эмас, балки бутун бир давлат тақдирини ўзгартирган воқеа сифатида баҳоланади. Бу қожа давлат бошқарувидаги ҳатолар, дипломатик қожаролар ва ички қелишмовчилиқлар қандай улкан ҳалоқатларга олиб қелиши мумкинлигининг ёрқин қисолларидан бири бўлиб қолган.

Бугун Ўтрор ҳаробалари Қозогистон ҳудудида қакланиб қолган. Улар XIII асрда Марқазий Осиёда юз берган энг қатта тарихий қожаалардан бирининг қим қувохи сифатида қад ростлаб турибди.

Абу Муслим, профессор